
ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИДА СОВРИНДОР БЎЛГАН ФАРҒОНАЛИК КУРАШЧИ ВА ТАЭКВОНДОЧИЛАР ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги “Само” спорт мажмуасида таэквондо ва кураш бўйича Болгария ва Италияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатларида муваффақиятли иштирок этиб, медаллар билан уйга қайтган фарғоналик спортчиларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов иштирок этди.

Жорий йилнинг 26-31 июль кунлари Болгариянинг София шаҳрида спортнинг таэквондо WTF тури бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда фарғоналик таэквондочилар вилоятимиз тарихида илк бор медалларга сазовор бўлишди.

Жумладан, Дилмурод Маъруфжонов (33 кг.) кумуш медални, Аҳаджон Мухторов (65 кг. гача) ва Жаҳонгир Ҳидоятловлар (65 кг. дан юқори) бронза медалларни қўлга киритишди.

Бундан ташқари, 25-31 июль кунлари Италия пойтахти Рим шаҳрида бўлиб ўтган спорт курашлари бўйича 17 ёшгача бўлган спортчилар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида фарғоналик эркин курашчи Хикматилло Қурбонов 110 кг. вазнда бронза медалига сазовор бўлди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-02 10:59:16